2017 ЙИЛ – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

# ИНСОН ва ҚОНУН

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz | 2016 йил 20 декабрь • сешанба № 50-51 (1046-1047)

Халқ қалбига йўл

### Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан:

*Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўришни мен ўзим учун энг муҳим ва устувор вазифа, деб ҳисоблайман.*

*Энди нафақат Ҳукумат, балки мутасадди вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, ҳокимларнинг ҳам бу борадаги фаолияти якунлари бўйича ҳисобот бериш тизими жорий этилади ва шунга қараб уларнинг ишига баҳо берилади. Шу сабабдан ҳар бир раҳбар ва мансабдор шахсдан айни шу асосда тизимли ва самарали иш олиб боришни талаб этаман.*

*Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган — шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам — шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ.*

*Шундай экан, биз, биринчи навбатда, ким билан мулоқот қилишимиз керак — одамларимиз билан.*

*Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак — аввало, халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади.*

*Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади.*

*Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади.*



Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги **"Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади

## СУД КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЖОЙ-ЖОЙИГА ҚЎЙИШДА

### *замонавий талаблар*

**МАЪЛУМКИ, бизда суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизими шакллантирилган. Бу борада муайян ижобий тажриба тўпланган. Чунончи, 2013-2016 йиллар давомида мингдан зиёд судьялар малака ошириш курсларини ўтаган, бир ярим мингга яқин судьяликка номзод тайёрланган.**

Зотан, ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, Марказий Осиё минтақасидаги бошқа мамлакатларда судьяларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари Ўзбекистондаги каби тизимли ва профессионал асосда йўлга қўйилмаган.

Айни пайта юртимизда шиддат билан ривожланаётган сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар судьяларнинг касбий тайёргарлигига қўйилган талабларни қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги **"Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонида ушбу соҳадаги ишларни халқаро стандартлар ҳамда ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси асосида тубдан яхшилаш вазифаси қўйилди.

Фармонда судьялик лавозимларига номзодларни қайта тайёрлаш, судьялар малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ва яхшилашга эътибор қаратилган. Бу борада хорижий амалиёт ва халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда ўқиш ва амалиёт ўташ даврини узайтириш орқали судьяликка номзодларни тайёрлашга янги талабларни қўйиш кутилмоқда. Шунингдек, судьяларни суд амалиётининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш бўйича мунтазам равишда тадбирлар ўтказиш шаклида малакасини ошириш кўзда тутилган.

Мазкур Фармоннинг мақсади судлар фаолиятини ташкил этиш судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга тавсия этишда янги механизмлар шакллантириш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, одил судлов самарадорлигини ошириш йўлидаги тўсиқлар ва мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, ҳеч кимга сир эмас, суд ҳокимиятининг нуфузи суд кадрлари салоҳиятида намоён бўлади. Судьялар юқори салоҳиятга эга бўлса ва буни ўз фаолиятида намоён қила олсагина фуқароларнинг судга бўлган ишончи ортади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони Юристлар малакасини ошириш маркази зиммасига суд кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги ўқув дастурларини, ўқув-услубий ишларни қайта кўриб чиқиш, ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш каби масъулиятли вазифаларни юклайди.

Бугунги давр талаби айнан шу соҳада изчил ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Бунда, энг аввало, юристларни қайта тайёрлаш ва малакасини юксалтириш бўйича янги давлат талабларини ишлаб чиқиш, юристларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартибини белгилаб олиш зарур. Уларни ишлаб чиқишда суд кадрлари олдида турган муҳим вазифаларни ҳисобга олиб, ҳуқуқшунослик фани ва амалиётнинг сўнгги ютуқлари билан бойитилади.

Хусусан, бўлажак судьяларни тайёрлаш курсида тингловчиларнинг одил судловни амалга ошириш соҳасидаги кўникмаларини шакллантириш, суд процесси иштирокчилари билан мулоқот олиб боришнинг самарали усулларини қўллаш, судьянинг ўз хизмат вазифасини бажариш жараёнида ўзини тутиши, шунингдек, суд этикаси қоидаларини ўзлаштириб олишга эътибор қаратилади.

Ҳозирги кунда судьяликка номзодлар 3 ой давомида тайёргарлик курсини ўтайдилар. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳар томонлама тўлиқ мустақил, одил судловни амалга оширишга қодир судья бўлиш учун 3 ойлик муддат етарли эмас. Шунинг учун ҳам Фармонда судьяликка номзодларни қайта тайёрлаш муддатларини узайтириш кўзда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, судьяликка тайёрлаш муддатининг узайтирилиши фақат анъанавий машғулотлар ҳажмини ошириш эвазига эмас, балки, биринчи навбатда, судьялар учун мўлжалланган ўқув дастурлари уларнинг касбий-малакавий маҳоратини оширишга, ягона суд амалиётини қўллашга, одил судлов соҳасидаги тажриба билан танишиш, хорижий давлатлар тажрибасидан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади.

Фармонда қўйилган вазифаларни тўлиқ ҳаётга татбиқ этиш учун Юристлар малакасини ошириш маркази Олий суд ва Олий хўжалик суди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси билан яқиндан ҳамкорлик қилиши лозим. Ўқув жараёнини амалиёт билан уйғунлигини таъминлаш учун бундай ҳамкорлик жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу курсларнинг асосий вазифаси бўлажак судьялар томонидан мустақил равишда одил судловни амалга ошириш, суд жараёнларини бошқара олиш каби кўникмаларни шакллантиришдан иборат. Бунинг учун ҳозирги кунда экспертлар томонидан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция каби давлатларнинг шу соҳадаги тажрибаси ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилинмоқда.

Шунингдек, Фармонда Юристлар малакасини ошириш маркази фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан, масофавий таълимни амалга ошириш имконини берувчи замонавий видеоконференцалоқа тизими билан жиҳозланган унинг ҳудудий филиалларини ташкил этиш вазифаси ҳам қўйилган. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, Юристлар малакасини ошириш маркази юрист кадларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида етакчи муассаса ҳисобланади. Марказда ҳар йили қарийб икки ярим минг юрист ўқитилади.

Таълим жараёнига қўйилаётган замонавий талаблардан келиб чиқиб, Марказда масофавий таълимни жорий қилиш, судьяларни интернетда он-лайн курслар орқали қўшимча ўқитишни жорий қилиш лозим. Бунда Марказ веб-саҳифасида ҳар бир судья рўйхатдан ўтиб, ўқув-методик материаллар билан танишиш ва қўшимча маълумотлар олиш билан ўз билимини ошириш имкониятига эга бўлади.

Мазкур саъй-ҳаракатлар суд кадрларини тайёрлаш, уларнинг одил судловни амалга ошириш соҳасидаги назарий ва амалий билимларини янада мустаҳкамлаш, ва умуман судьяларнинг салоҳиятини юксак даражага кўтаришига шубҳа йўқ. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Асқар ҒАФУРОВ,**
**Юристлар малакасини ошириш маркази директори, юридик фанлари номзоди**

Муносабат

## ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

**ЖОРИЙ йилнинг декабрь ойи халқимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеликлар билан тарих саҳифаларига муҳрланди, десак, асло муболаға бўлмайди. Аввало, 4 декабрь куни олижаноб халқимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этиб яна бир оқил танловни амалга оширган бўлса, 8 декабрь куни бугунги фаровон ҳаётимизга асосий пойдевор бўлган Конституциямизнинг 24 йиллик тантаналари кенг нишонланди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан гўзал ва муҳташам "Ўзбекистон" анжуманлар саройида бўлиб ўтган тантанали маросимдаги маърузасида Бош Қомусимизни эътироф этар экан, унга ҳақли равишда **"...халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва бутун ҳаётини тубдан ўзгартирган муҳим сиёсий ҳужжат"**, деб муносиб баҳо берди.

Маърузада асосий қомусимиз асосида яратилган 400 га яқин яхлит қонунлар ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан бирга, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу ҳолатни, албатта, ижобий ютуқ сифатида баҳолаш билан бирга, маърузада айтиб ўтилган бугунги кунда қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсирининг етарлича сезилмаётганлиги масаласига тўхталиб ўтсак. Мазкур танқидий баҳонинг қайд этиб ўтилиши, айни вақтда, республикамизда бундан буён инсон манфаатларини тўла-тўкис таъминлаш кун тартибига қўйилаётган бир шароитда, айни муддаодир. Ушбу масала, маърузада қайд этилганидек, бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим.

Маърузада илгари сурилган Ҳукуматнинг парламент билан қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил соҳасидаги ҳамкорлигини янада самарали ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисда доимий асосда фаолият кўрсатадиган вакили лавозимини таъсис этиш масаласини ҳуқуқ тизимида мутлақо янги ва долзарб институт сифатида баҳолаш лозим. Мазкур таклифни фаол қўллаб-қувватлаган ҳолда, унинг бир қатор ижобий жиҳатларига эътибор қаратсак.

5

### Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари "Ишонч телефонлари"



| | |
|---|---|
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (371) 1008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09 |
| 2 | Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги (361) 1008, 223-71-93 |
| 3 | Тошкент шаҳар адлия бошқармаси (371) 1008, 262-92-42 |
| 4 | Андижон вилоят адлия бошқармаси (374) 1008, 223-48-55 |
| 5 | Бухоро вилоят адлия бошқармаси (365) 1008, 223-74-16 |
| 6 | Жиззах вилоят адлия бошқармаси (372) 1008, 223-52-57 |
| 7 | Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси (375) 1008, 223-01-64 |
| 8 | Навоий вилоят адлия бошқармаси (436) 1008, 223-83-59 |
| 9 | Наманган вилоят адлия бошқармаси (369) 1008, 227-21-73 |
| 10 | Самарқанд вилоят адлия бошқармаси (366) 1008, 233-04-62 |
| 11 | Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси (376) 1008, 223-44-35, 223-26-84 |
| 12 | Сирдарё вилоят адлия бошқармаси (367) 1008, 225-30-50 |
| 13 | Тошкент вилоят адлия бошқармаси (371) 1008, 253-84-77 |
| 14 | Фарғона вилоят адлия бошқармаси (373) 1008, 244-52-40 |
| 15 | Хоразм вилоят адлия бошқармаси (362) 1008, 228-12-55 |
| | E-mail: info@minjust.gov.uz |

**"...ОДАМЛАРНИНГ ДАРДИНИ ЭШИТИШ, УЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТДА БЎЛИШ, ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ – АҲОЛИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТГА ИШОНЧИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ".**

# МУЛОҚОТ ИНБАРИ



### ЕР УЧАСТКАСИНИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ОЛИШ МУМКИНМИ?

— Ер участкаси шартнома асосида қуйидаги асосларда ижарага берилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига — туман ва шаҳар ҳокимлари;

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилади.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага эллик йилгача бўлган, бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддасига асосан ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишлигича туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

### ЮРИДИК ШАХС ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР БИЛАН ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ ОРҚАЛИ ОПЕРАЦИЯЛАР БАЖАРИШИ МУМКИНМИ?

— Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 790-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, нақд пулда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш тартиби "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида"ги Низомга (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) мувофиқ ташкил этилади.

### ИНСОН ЗУРРИЁДИНИ АНИҚЛАШ НЕЧА ФОИЗГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ?

Албатта, юз фоиз деган тушунча бу мукаммаллик дегани. ДНК натижасида олинган хулосалар 99,99 тўғри чиқади.

## Аксарият мурожаатлар изоҳи

### ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТИШДА ТИББИЙ ЖИҲАТДАН ХАВФ БОРМИ?

— Экспертизага намуна олиш учун махсус тиббий билимга эга бўлган ҳамшира бириктирилган. Шу билан бирга қон бармоқдан олинади. Ва ҳар бир тиббий анжомлар стирилланган. Экспертиза намунаси олинганда фуқаро ҳеч қандай қийноқларга солинмайди. Шу сабабли тиббий жиҳатдан хавфи йўқ.

### ФАРЗАНДИМ ИСМИНИ ЎЗГАРТИРИШИМ, ҚАЙТА ГУВОҲНОМА ОЛИШИМ МУМКИНМИ?

— Албатта, мумкин. Лекин тез кунда гувоҳномани алмаштира олмайсиз. Чунки туғилганлик гувоҳномаси топширилгач унинг бир нусхаси ФҲДЁ архивига юборилади. Архивдан маълумотларни олиш узоқ вақт талаб қилади. Шу боис бир йилдан кейин ушбу ариза билан мурожаат қилганингиз мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу даврда оилангиз билан келишиб ўзингизга маъқул бўлган исм билан фарзандингизни аташингиз мумкин.

### ТАЛАБА ИШЛАШИ МУМКИНМИ?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига асосан тасдиқланган "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандига кўра, олий таълим муассасасининг 4-босқичида ўқиётган шахслар педагоглик фаолияти билан шуғулланиши мумкин ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.

### ТАЛАБАЛАР ЎҚИШИНИ КЎЧИРИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ҚАЧОН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

— Талабалар ўқишини кўчириш ёки қайта тиклаш, одатда, ёзги таътил даврида, тегишли курс (семестр)-да ўқув машғулотлари бошланишига қадар агарда бир олий таълим муассасаси доирасида олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича бўлса, унда ОТМ ректори томонидан амалга оширилади.

### РАД ЖАВОБИ БЕРИЛИШИ МУМКИНМИ?

— Қуйидаги ҳолларда талабаликка қайта тиклашни сўраб мурожаат қилган шахсга рад жавоби берилиши мумкин:

**1)** олий таълим муассасасида таълим олувчилар сони доирасида бўш ўринлар мавжуд бўлмаганлиги;

**2)** шахснинг академик қарздорлиги ҳамда тегишли мутахассислик бўйича зарур билимларни ўзлаштиришига тўсқинлик қилиш даражасидаги ўқув режалари ва дастурларида фарқ мавжуд бўлганлиги.

Барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

### ПАСПОРТНИ ГАРОВГА ОЛИШ МУМКИНМИ?

Паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини олиб қўйиш (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), шунингдек, гаровга топшириш ва бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасига кўра, фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

### ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ ЙЎҚОЛГАНДА...

Ҳар бир фуқаро паспортини авайлаб-асраши шарт. Паспорт йўқолгани ҳақида фуқаро доимий қайд этилган жойидаги ички ишлар органларига ёки Ўзбекистон Республикасининг шахс борган хориждаги дипломатик ваколатхонасига ёки консуллик муассасасига дарҳол хабар қилиши шарт.

# САВОЛ СИЗДАН ? ЖАВОБ БИЗДАН !

**— Алимент тўламаган фуқарога қандай жазо бор?**

**С.ОБРУЕВ, Тошкент вилояти**

— Вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахслар Оила кодексининг 79-моддасига асосан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Жиноят кодексининг 122-моддасида белгиланишича, моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни алиментни уч ойдан зиёд вақт давомида тўламаслик энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Юқоридаги хатти-ҳаракатни содир этгани учун суд қарорига кўра бир марта жазоланган фуқаро яна алимент тўлашдан бош тортса, 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиниши ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

**Саволга Ангрен шаҳар 1-сон ФҲДЁ бўлими катта нозири Ноила АБДУЛЛАЕВА жавоб берди.**

**— Нотариал идораларда давлат тили қоидаларига қай тарзда риоя этилади. Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан бошқа тилда ҳам берилиши мумкинми. Бу қандай тартибда амалга оширилади?**

**Э.Юнусова, Мирobод тумани**

— Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, мазкур Қонуннинг 1-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан нотариус ёки нотариал ҳаракатни амалга оширувчи шахс томонидан бошқа тилда ёки имкон бўлса бошқа мақбул тилда берилишлиги "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддасида кўрсатилган. Агар мурожаат қилган шахс тушунмаган тилда бажарилган нотариал ҳаракатни олса, бундай ҳолларда нотариус ёки нотариус таниган таржимон томонидан таржима қилинади ҳамда ҳужжатга матни таржима қилинганлиги ва мазмуни нотариус томонидан тушунтирилганлиги ҳақида белги қўйилиб имзоланади.

**Саволга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими Баҳодир ОРМОНОВ жавоб берди.**

**— Фуқаронинг ва вояга етмаган шахснинг тирик эканлигини тасдиқлаш қандай тартибда амалга оширилади?**

**А.Хабибуллаев, Тошкент шаҳри**

— Фуқаронинг шахсий илтимосига кўра нотариус тирик эканлиги фактини унинг иштирокида тасдиқлайди. Бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун фуқаронинг ёзма аризаси олинади.

Вояга етмаган шахснинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш унинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уни ўз ҳомийлигига олган ташкилотнинг ёзма илтимосига кўра амалга оширилади. Нотариус мурожаат қилган шахсга фуқаронинг тирик эканлиги ҳолатини тасдиқловчи гувоҳнома беради.

**Саволга Шайхонтоҳур туман 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси Дилфуза Алимжанова жавоб берди**

**— Мен хорижлик йигитга турмушга чиқмоқчиман. Бундай ҳолатда никоҳни қайд этиш қандай тартибда амалга оширилади?**

**С.Алимова, Учқудуқ шаҳри**

— Агар никоҳ Ўзбекистонда қайд этилса, йигит ҳам Ўзбекистонга келиши шарт. Бундай вазиятда йигитнинг ҳам паспорти керак бўлади. Аввал никоҳда бўлганми йўқми бу ҳужжатни тақдим этади. Амалиётда йигит айрим ҳолларда ўз юртида тиббий кўрикдан ўтказилган қоғозни тақдим этганлик ҳолати ҳам кузатилган. Бироқ икки томон ҳам мамлакатимиз қонунчилигига кўра 5 та касаллик бўйича тиббий кўрикдан ўтказилади. Шунингдек, йигит вақтинчалик рўйхатга ўтказилиши керак. Хорижлик фуқаро ФҲДЁ органига расмий лицензияга эга таржимон билан келиши шарт. Бир сўз билан айтганда, никоҳ мамлакатимиз қонунчилигига кўра расмийлаштирилади.

**Саволга Учқудуқ шаҳар ФҲДЁ бўлими катта инспектори Нафиса ҚУРБОНОВА жавоб берди.**

# МУРОЖААТЛАР "ИНСОН ВА ҚОНУН" ЭЪТИБОРИДА




## МУАММО ҲАЛ БЎЛДИ

ЁЗЁВОН тумани Қатортол ҚФЙда яшовчи фуқаро М.Тоштемировнинг Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Ёзёвон туман бўлими ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб таҳририятга ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди ҳамда фуқаро мурожаати қаноатлантирилиб, муаммо жойида ҳал бўлди.

**З.ЭРГАШЕВ, Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари**

## НИЗО БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

ТУМАН ички ишлар бўлими томонидан фуқаро Ғ.Халимовнинг С.Ойдинов ва бошқаларнинг ҳаракатларидан норозилиги ҳақида "Инсон ва қонун" газетасига йўллаган аризаси кўриб чиқилди.

Мурожаатни ўрганиш давомида С.Ойдинов томонидан Ғ.Халимовдан олинган 1 402 000 сўм миқдоридаги пул маблағи қайтарилиши таъминланиб, тарафлар ўртасидаги низо бартараф этилди.

**З.ҚОДИРОВ, Хатирчи туман ИИБ бошлиғи, Подполковник**

## МУРОЖААТ ЖАВОБИНИ ТОПДИ

Сизнинг 2016 йил 11 июндаги 23-1-359/09-сон хатингиз ижроси юзасидан "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси қуйидагиларни маълум қилади:

Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Ипак йўли кўчаси, 86-уй, 12-хонадонда яшовчи фуқаро М.Бабаеванинг ёзган шикоят аризаси "Жанубгазтаъминот" УК "Шаҳрисабз тумангаз" филиали ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида "Шаҳрисабзтумангаз" филиали ходимлари ҳамда ариза муаллифи М.Бабаева, Р.Хамидова ва Р.Содиқовлар иштирокида тушунтириш ишлари олиб борилди. Мазкур ҳолат юзасидан ушбу хонадонлар меъёр доирасида суюлтирилган газ билан таъминланмоқда.

**М.БОШМАНОВ, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси Бошқарув раиси ўринбосари**

## НАФАҚА ТАЙИНЛАНДИ

Олтинсой тумани, Мингчинор маҳалласида яшовчи фуқаро Дилором Номозованинг "Инсон ва қонун" газетаси бош муҳарририга ёзган аризаси вилоят ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилиб, қуйидагилар маълум қилинади:

Фуқаро Д.Номозова фарзанди 1 ёшга тўлгандан кейин 2016 йил 5 августда маҳалла фуқаролар йиғинининг махсус комиссиясига ариза билан мурожаат қилган. Мурожаат комиссия томонидан ўрганиб чиқилиб, ушбу даврда лимитдан тўлиқ фойдаланиб турилганлиги сабабли, жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб 2 ёшгача нафақа тайинланганлигини маълум қиламиз.

**А.АБДУКАДИРОВ, Сурхондарё вилоят ҳокими биринчи ўринбосари**

## ЕР МАЙДОНИ АЖРАТИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани, Бўстон кўчаси, 18-уйда яшовчи фуқаро А.Алламова ва бошқаларнинг "Инсон ва қонун" газетасига ёзган аризаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан ташкил қилинган ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида ўрганиб чиқилди.

Иморатлари бузилган 103 нафар фуқарога туман ҳокимининг 2016 йил 2 июндаги 886-сон қарорига асосан "Шоббоз" ОФЙ ҳудудидаги янгидан ташкил қилинаётган "Шоббоз" деҳқон бозори ёнидан хусусий дўкон қурилиши учун 120 та дўкон (ҳар бир 24,0 кв.м) шу жумладан, А.Алламовага 5 та дўкон қуриш учун ер майдонлари ажратиб берилганлигини маълум қиламиз.

**Ж.ЕМБЕРГЕНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари**

## ИШГА ТИКЛАНДИ

Фуқаро С.Эргашеванинг Пахтачи туманидаги 25-сонли болалар мусиқа санъат мактабига ўқитувчи вазифасига ишга тиклаб беришни сўраб "Инсон ва қонун" газетасига ёзган мурожаати вилоят прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

Фуқаро С.Эргашеванинг жорий йил 18 октябрдаги ишга тиклаб беришни сўраб ёзган аризасига асосан ушбу мактаб директори томонидан 18.10.2016 йилда ўқитувчи вазифасига ишга қабул қилинганлиги маълум қилинади.

**О. АЗИМОВ, Самарқанд вилоят прокурори биринчи ўринбораси**

**Саҳифани "Инсон ва қонун" мухбири Дилфуза ЭРГАШЕВА тайёрлади.**

**!** **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади**

# Инсонпарварлик ва адолат тамойиллари суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг бош мақсади



**Ўткир ХОЛОВ; Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

Мазкур Фармон билан фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддатини 3 йилдан 1 йилга қисқартириш, вилоят микёсидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институтини тугатиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатларини бекор қилиш назарда тутилган бўлиб, қонунчиликда бундай тартиб белгиланиши суд қарорларининг барқарорлигини ва ишларнинг тез муддатларда ва якуний ечимини топишга хизмат қилиши билан биргаликда, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар апелляция ва кассация инстанцияларининг фаолиятини янада яхшиланишига, ушбу инстанция судларининг ишларни қонуний, адолатли ва асосли ҳал қилиш борасидаги масъулиятларини янада оширилишига хизмат қилади.

Энг аввало, эътироф этиш лозимки, ривожланган кўплаб давлатларда ишларни назорат тартибида кўриш муддатлари анча қисқа муддат билан чегараланган бўлиб, Фармонда назарда тутилаётган ушбу янгиликлар халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келади.

Хусусан, биргина фуқаролик ишлари мисолида олганда Россия Федерациясида суд қарорларига нисбатан назорат тартибида шикоят суд қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб 3 ой қилиб белгиланган бўлса, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал қонунчилигида назорат инстанцияси институти кўзда тутилмаган.

Суд қарорларига нисбатан назорат тартибида протест келтириш муддатини уч йилдан бир йилга қисқартириш, албатта, фуқароларнинг ҳуқуқлари қайсидир маънода чекланишига олиб келмайди. Чунки мазкур процессуал муддат суд қарори билан ўз ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаган фуқаро учун суд қарорига нисбатан назорат тартибида шикоят келтириши учун етарли бўлиб, бу процесснинг бошқа иштирокчилари ҳуқуқлари кафолатланишига ҳам хизмат қилади.

Бундан ташқари, Фармон билан назорат инстанцияси институтини ислоҳ қилиш борасида Олий суд Пленумининг муайян ишларни назорат тартибида кўриш ваколатини бекор қилиш ҳам белгиланган. Фикримизча, ушбу норма ҳам суд қарорлари барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан биргаликда, Олий судда мавжуд бўлган назорат инстанцияларининг бир-бирини такрорловчи функциялари ваколатларини бекор қилишга қаратилган.





**Алишер ҲАМРОЕВ; Қонунчилик палатаси депутати:**

Фармонда процессуал ҳаракатларни амалга оширишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масаласининг акс эттирилиши билиб ёки билмасдан ҳуқуқбузарлик ёки жиноят йўлига кириб қолган вояга етмаган ёшларни, гумманизм, адолат ва қонунийлик доирасида суриштирув, тергов ва суд жараёнлари давомида ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш уларга ўз ҳаракатларини қайта кўриб чиқишга, келажакда ҳуқуқ ва эркинликлари тўлақонли таъминланган фуқаро сифатида жамиятимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларида иштирок этишларида имкон беради.

Фармон бу билан ҳаётий принциплари ҳали шаклланмаган ёшларни тарбиялашда тўғри ва ижтимоий фойдали ҳаёт тарзига имконият бериш ва ишонч билдириш амалиётини, жазо амалиётидан кўра устунлигини белгилаган.

Бу борада ҳуқуқий ҳимоянинг кучайтирилиши суриштирув, тергов ва суд жараёнларида мутасадди орган ва ташкилотлардан процессуал ҳаракатларни амалга оширишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини амалга оширишда катта эътибор талаб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари узоқ муддат давомида репрессив дастак бўлиб келган жиноят-судлов ишларини юритишни давлатнинг жазоловчи қуролидан ҳимоя қилувчи институтга айлантиришга қаратилган.

Айнан шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунига биноан 2001 йилда жиноят-судлов ишларини юритишга ярашув институти жорий қилинди.

Ярашув институти Ўзбекистон халқининг менталитети ва миллий қадриятларига тўла мос келади. Ушбу институт толерантлик, самимийлик, кечира олиш ва турли хил низоларни тинч йўллар билан ҳал этиш каби миллий қадриятларимиз билан туташиб кетади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, бир тарафдан ижтимоий хавф катта бўлмаган ишларни тезкор ва самарали ҳал этиш имконини берадиган одил судловнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш шакли бўлса, иккинчи тарафдан ушбу институтнинг қўлланилиши жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини тўла ва самарали ҳимоя қилиш имкониятини беради.

Шу билан бирга, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишни тартибга соладиган нормалар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини беради ҳамда бу судланганлик билан боғлиқ оқибатларни келтириб чиқармайди.

Ярашилганлиги муносабати жиноий жавобгарликдан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига биноан амалга оширилади.

Ярашув мумкин бўлган жиноятлар рўйхати у жорий қилинган пайтда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ЖКнинг 26 та моддасида назарда тутилган 32 та жиноят таркибини ўз ичига олган бўлса, ҳозирда Жиноят кодексининг 44 та моддасида назарда тутилган 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш мумкин.

**Журналист Арслон ЭШМУРОДОВ ёзиб олди.**

**Шарҳ**

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ

## *янги сифат босқичи*

**МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришгач суд ҳокимиятининг фаолияти жамиятда ижтимоий адолатни ўрнатиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга қаратилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари туфайли ижобий натижаларга эришилмоқда.**

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 октябрдаги **"Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштиришни, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишни янги сифат босқичига кўтарди, десак, муболаға бўлмайди.

Мазкур Фармон суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш борасида қуйидаги учта асосий устувор йўналишларни белгилаб берди: биринчидан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш; иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш; учинчидан, одил судловга эришиш даражасини ошириш.

Таъкидлаш жоизки, мазкур устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг зиммасига улкан масъулият юкланди. Бинобарин, уларнинг муҳим вазифалари этиб биринчидан, судьялар мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсуниши ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш, иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан барча зарур чораларни кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини бузмаслик ва сансалорликка йўл қўймаслик, учинчидан, тегишли ахборотни ўз вақтида жамоатчиликка етказиш орқали фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш; тўртинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали тизимли камчилик ва қонунбузилишларни аниқлаш ва бартараф этиш, иш фаолиятига илғор илмий-техника воситалари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш; бешинчидан, идоравий назоратни кучайтириш, ходимлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, кадрлар таркибини сифат жиҳатидан яхшилаш, кадрларни танлашнинг энг муносиб номзодларни ишга қабул қилишни таъминлайдиган замонавий механизмларини жорий этиш белгиланди.

Фармонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва янада либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга оид принципиал янгиликлар назарда тутилмоқда.

Жумладан, Фармонга мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, касбий нуфузини ошириш, юқори малакали ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилади.

Фармоннинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги дастурий ва тарихий аҳамияти яна шу билан белгиланадики, 2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб суд-ҳуқуқ соҳасида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилади.

Улар орасида қамоқ тарзидаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг муқобил турларини қўллаш имконияти кенгайтирилаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Амалдаги Жиноят-ижроия кодекси 35-моддаси 5-қисмига асосан қамоқ жазосига ҳукм этилганларга учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар, посилкалар олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш рухсат этилмайди, ушбу модданинг 4-қисмига кўра эса маҳкумларга ҳар куни муддати бор-йўғи бир соатлик, вояга етмаганлар, ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёлларга эса — атиги бир ярим соатлик сайр қилиш имконияти берилади.

Кўриб турганингиздек, жиноий жазолар тизимидан нисбатан қаттиқ таъсир чораларидан бири чиқарилаётганлиги жиноий жазоларни либераллаштиришга, ҳуқуқбузарларга нисбатан тарбиявий-тузатиш таъсир чораларининг илғор шакл ва услубларини кенг қўллаш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Фармон билан жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга; қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилиши эса суриштирув ва тергов органлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўли билан фуқароларимизнинг эркинлигини асоссиз равишда чеклаш ҳолатларидан тўлароқ ҳимоя қилади.

Шунингдек, Фармон фуқаролар шахсий эркинлиги кафолатлари ҳаққоний амалга оширилиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, унинг ҳуқуқий ҳимояланганлигининг юқори даражасини таъминлашга хизмат қилади. Чунки ушбу Фармон "Хабеас корпус" институтини янада кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларни давом эттиради. Булар қаторида почта телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва мурдани эксгумация қилиш каби дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш ваколати прокурорлардан судлар ваколатига ўтказилмоқда.

Бинобарин, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини суриштирув ва дастлабки тергов даврида чекловчи барча процессуал ҳаракатлар устидан назорат айнан суд томонидан амалга оширилиши зарур. Зеро, жиноят ишлари юритуви субъектлари ичида фақат судгина айбловдан манфаатдор эмас ва ҳеч қандай тергов механизмларига тобе эмас. Суднинг тергов қонунийлигига солган назари ўзининг табиатига кўра, холис ва адолатлидир.

Суд назорати эса судга қадар босқичларда тортишув принципининг реал таъминланишига, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишига ҳамда тергов хатоларини ўз вақтида аниқлаб, бартараф этилишига хизмат қилади. Энг муҳими, мазкур институтнинг татбиқ этилиши шахс эркинлигини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалда таъминланишини кафолатлайди.

Суд ҳужжатлари қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқиш тизимини такомиллаштиришга оид бир қатор тадбирларнинг белгиланиши ҳам айни муддао бўлди. Жумладан, вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибида қайта кўриш бўйича бирбирини такрорловчи инстанциялари тугатилади. Ўз навбатида, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш ваколати бекор қилиниши назарда тутилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди назорат инстанциялари такрорланувчи функцияларнинг чиқариб ташланиши, назорат тартибида ишларни кўриб чиқишнинг фақатгина Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари ва Раёсатига юклатилиши, шунингдек, хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларининг ташкил этилиши суд фаолияти тезкорлигини оширади, процесс иштирокчиларини ортиқча овора қилиш ҳолатларининг олдини олади ҳамда чиқарилаётган суд ҳужжатлари сифатини оширади.

Умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича адлия органлари функцияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилиши суд ҳокимияти мустақиллиги ва холислигини таъминлашга хизмат қилади ҳамда халқаро стандартларга тўла мос келади.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идораларга 2017 йил 1 июлга қадар илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда қатор масалалар бўйича асослантирилган таклифлар тайёрлаш топширилганлиги алоҳида эътиборга молик.

Булар қаторида суд-прокурор ходимларининг малакасини ошириш ва раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш; процессуал ҳаракатларни амалга оширишда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, шунингдек, судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш; ўзбек халқининг эзгулик ва раҳмдиллик каби кўп асрлик анъаналарига мос бўлган ярашув институтини жиноят процессида қўллаш доирасини кенгайтириш; ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим турдаги жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш; жабрланувчининг аризаси асосида жиноят иши қўзғатилиши мумкин бўлган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Фармон билан электрон тартибда суд ва ижро иши юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, одил судловга эришишнинг илғор механизмларини жорий этиш орқали одил судлов сифатини ошириш масаласи белгилаб ўтилган. Ташаббуснинг амалга оширилиши суд фаолиятининг самарадорлигига, шунингдек, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш доирасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг замонавий босқичи талабларига тўлиқ асосланган одил судловнинг жамоатчилик учун очиқлиги, шаффофлиги ва эркинлиги принципларини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва туб ўзгаришларнинг самарали амалга оширилиши ҳамда қонунийликни таъминлашда юридик хизматлар ролини ошириш зарурлигини инобатга олган ҳолда, Фармонда давлат органларининг юридик хизматлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир аниқ чора-тадбирлар назарда тутилган.

Фармон талабларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини янада ривожлантириш борасида 8 та энг устувор соҳалар бўйича 45 та аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Ушбу тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш бўйича Комиссия ташкил этилди.

Шу муносабат билан жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал, хўжалик процессуал кодекслари ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилган.

Фармоннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини изчил такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида умумэътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор алоҳида қонунлар, шу жумладан, "Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Медиация тўғрисида"ги, "Маъмурий судлов ишларини юритиш тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мазкур дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Худоёр МАМАТОВ,**
**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғи**

**Суд департаменти**

# ИЖРО

## *самарадорлиги тобора такомиллашмоқда*

**МАМЛАКАТИМИЗДА Суд департаменти зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.**

Хусусан, республикамиз Биринчи Президентининг 2012 йил 30 декабрдаги Қарори билан Суд департаментининг суд қарорларини сўзсиз ижро этилишини таъминлаш фаолияти самарадорлигини янада ошириш, унинг кадрлар салоҳияти ҳамда суд ижрочиларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш тизими янада мустаҳкамланди.

Жумладан, бажарилаётган ишларнинг мураккаблиги, ҳажми ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларини тоифалаштириш тизими жорий этилди.

Биринчи тоифадаги туман (шаҳар) бўлимлари суд ижрочиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тариф разряди 2 разрядга, иккинчи тоифадаги бўлимларда 1 разрядга оширилди; ижро ҳужжатлари бўйича ундирилаётган маблағларнинг давлат даромадига қайтарилиши бўйича иш самарадорлиги учун суд ижрочиларининг маошига ойлик устама ҳақ миқдорлари ўрнатилди.

Шунингдек, Суд департаменти марказий аппаратида Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими, ҳудудий бошқармаларда эса суриштирув секторлари ташкил этилди.

Мазкур бўлинмаларга суд ҳужжатларини ижро этмаслик ва уларни ижро этишга тўсқинлик қилиш, банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш каби жиноятларни аниқлаш, улар бўйича суриштирув ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳамда ижро ҳужжатларини ихтиёрий равишда бажармаслик ва ижрога оид қонунчиликни бузишга оид маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш амалиётини мувофиқлаштириш юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги Фармони билан суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури асосида яқин истиқболда соҳа самарадорлигини ошириш бўйича янада катта ўзгаришлар кутилмоқда.

Ушбу Дастурда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар назарда тутилган бўлиб, ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши, шубҳасиз, Суд департаменти фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Сўнгги 10 йил давомида республика суд ижрочиларининг сони ўзгаришсиз қолаётган бир пайтда, ижро ҳужжатларининг сони ўтган давр мобайнида 3 бараварига ошган, улар бўйича ундирилиши лозим бўлган суммалар қарийб 7 бараварга ўсган. Яна соддароқ қилиб айтсак, 2006 йилда суд ижрочисининг ўртача ойлик иш ҳажми 151 та ижро ҳужжатини ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб 347 тани ташкил этди, айрим туманларда эса бундан ҳам кўп. Бу ҳолат суд ижрочиларининг сонини уларга юклатилган вазифалар ҳажмидан келиб чиқиб, оптималлаштириш талаб қилинмоқда.

Дастурда назарда тутилган яна бир муҳим чора-тадбирлардан бири, суд ижрочилари учун хизмат кийими яъни форма ва махсус транспорт намуналарини тасдиқлаш ҳисобланади.

Мазкур Фармоннинг аҳамияти Суд департаментининг фаолиятини янада такомиллаштиришга, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ўз вақтида тўлиқ ва сифатли таъминланишига, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида тез ва сифатли таъминланишига катта хизмат қилади.

**Толибжон ОРЗИЕВ,**
**Республика Суд департаменти директори ўринбосари**

Моҳият

# ТАДБИРКОРЛАР УЛУШИ
## *янада ортади*

**ТАБИИЙ ресурслардан фойдаланиш давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Зеро, жисмоний ва юридик шахслар табиий ресурслардан фойдаланиш орқали ўз эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, фуқаролар ва давлат эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қиладилар. Шу маънода, табиий ресурслар ҳақли равишда давлат иқтисодиётининг негизини ҳам ташкил этади.**



Бундан кўриниб турибдики, табиий ресурслардан асосий фойдаланувчилар бу тадбиркорлар бўлиб ҳисобланади. Шундай экан, тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланишини экологик-ҳуқуқий тартибга солиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, бу борада мамлакатимизда яратилган мустаҳкам ҳуқуқий база тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида дастуриламал бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги **"Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармонида илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда техник талаблар (санитария, экология, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, стандартлаштириш ва бошқалар) каби махсус норматив ҳужжатларни, самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бекор қилиш юзасидан танқидий қайта кўриб чиқиш назарда тутилган.

Конституциямизнинг 20-моддасига кўра, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Мазкур талаб бевосита тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ва ўз иш жараёнида табиий ресурслардан фойдаланаётган тадбиркорларга ҳам тегишлидир. Чунки бу ерда ҳам инсон, ҳам давлат манфаати маълум хусусиятлар асосида инобатга олинмоқда.

Шунингдек, **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги Қонунда ушбу Фармон ижросига оид бир қатор нормаларни ўз вақтида амалга ошириш белгиланган талабларни мустаҳкамлашга ёрдам беришлиги ўз аксини топган.

Масалан, Қонуннинг 23-моддасида, табиий ресурслардан фойдаланиш талабларини муттасил бузадиган фойдаланувчи табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкинлиги, 34-моддасида, табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўловларни ўз вақтида тўлашлик, 41-модда корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ва уларни тугатишга доир экология талабларини бажариш, 45-моддасида эса, табиатни чиқиндилар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш, 46-моддасида, экологик сертификатлашга оид талабларни ўз вақтида бажариш ва амалга ошириш шартлиги аниқ кўрсатилган.

Кўриниб турибдики, юқоридаги Фармон моҳиятига кўра, "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартиш, экологик ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг экологик профилактикаси самарадорлигини ошириш ва экологик ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик" энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамланганлигини эътироф этиш мумкин.

Тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлари амалдаги экологик қонунчиликда ҳам атрофлича белгилаб берилган. Хусусан, **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 6-моддасига биноан, "Ўзбекистон Республикасида табиатдан умумий тарзда ва махсус йўсинда фойдаланилади. Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фуқаролар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун текинга табиий ресурсларни айрим фойдаланувчиларга бириктирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади. Табиатдан махсус йўсинда фойдаланиш тариқасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб махсус рухсатномалар асосида эгалик қилишга, фойдаланиш ёки ижарага берилади".

Тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланишини тартибга солиш мавжуд қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Чунончи, **"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги Қонунда табиатдан фойдаланишга йўл қўйилиши, тупроқдан фойдаланиш шартлари, ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланиш шартлари, сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш шартлари, жонли табиат объектларидан фойдаланиш шартлари, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш шартлари, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш каби масалалар умумий тарзда белгиланган бўлса, бошқа алоҳида табиий ресурсларга оид қонун ҳужжатларида улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар янада чуқурроқ, атрофлича ва батафсил тартибга солинган.

Амалдаги қонунчиликка биноан, тадбиркорларнинг табиатдан фойдаланишига атроф табиий муҳитни яшаш учун ярокли ҳолда сақлаш, табиий ресурслардан белгиланган тегишли нормативлар доирасида фойдаланиш ва қайта тикланадиган ҳамда тикланаётган табиий ресурслар қайта тикланишини таъминлаш шарти билан йўл қўйилади.

Оддий бир мисол, қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи объектларини бир қанча жиҳатларига қараб тавсифлаш мумкин. Ер участкаларидан фойдаланиш мақсадига қараб қишлоқ хўжалик ерлари товар, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришга мўлжалланган ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга (уй-жойлар, бинолар, иншоотлар, йўллар ва ҳ.к.) бўлинади.

Тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти амалдаги экологик қонунчиликнинг кўплаб нормаларида белгиланган, бунда асосий қоидалар табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни асраб-авайлаш каби талаблар асосида шакллантирилган.

Шу маънода қайд этиш жоизки, юқоридаги Президент Фармонида белгиланган чоралар хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш учун қулай иқтисодий, экологик, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратиш борасидаги ишларни амалга оширишнинг мантиқий давоми бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётида табиий ресурслардан фойдаланишда тадбиркорлар улушининг янада ошишида муҳим омил бўлди.

**Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,**
**ТДЮУ профессори,**
**юридик фанлар доктори**

---

O'ZBEKISTON MILLIY MATBUOT MARKAZI

NATIONAL PRESS-CENTRE OF UZBEKISTAN

## Миллий матбуот марказида

**16 Декабрь.** "Ўзстандарт" агентлиги томонидан **"Мамлакатимизда халқаро стандартларни жорий этишнинг долзарб масалалари"** мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда ҳукуматимиз томонидан маҳаллий маҳсулотларнинг сифати, хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чораларига мувофиқ, мувофиқликни баҳолаш натижаларини ташқи бозорда тан олинишини таъминлаш мақсадида жадал равишда халқаро стандартларни жорий этиш, замонавий синов ва ўлчов воситаларини ташкил этиш ишлари олиб борилаётганлиги ҳақида сўз юритилди.

**16 Декабрь. "Қўриқлаш хизматининг бугунги кунда ишончлилиги ва самарадорлиги"** мавзуида ташкил этилган матбуот анжумани шу мавзуда бўлиб ўтди.

Ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари бугунги кунда ички ишлар вазирлиги тизимидаги йирик хизматлардан бири ҳисобланади. Хизмат ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисобида юритади ва корхона, ташкилотлар, фуқароларга кўрсатилаётган қўриқлаш хизмати эвазига тушаётган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

Тадбирда бугунги кунда техник қўриқлаш йўналишига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳақида сўз юритилиб, вазирликнинг қўриқлаш бўлинмаларида 179 та техник қўриқлаш пункти фаолият кўрсатаётгани, улар томонидан жами 12000 дан ортиқ объект ёки жами қўриқдаги объектларнинг 55 фоизи қўриқланиши, қўриқлаш хизматига замонавий технологияларнинг жорий қилиниши натижасида қўшимча хизматлар кўрсатиш имкониятининг яратилаётганлиги ҳамда фуқаролар хонадонлари қўриғи масаласи юзасидан маърузалар тингланди.

**Мадина ҲАМДАМОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

101

## БЕФАРҚ БЎЛМАНГ!

Баъзи фуқароларимиз шунчаки бефарқлик оқибатида қанча меҳнат-машаққат эвазига ўзлари қурган уйларини бир зумда кулга айланиб, кўкка совурилишига сабаб бўлмоқда. Энг ачинарлиси шундаки, бу "тилсиз ёв", деган табиий офат натижасида ўз фарзандлари, яқинлари тан жароҳати олиб, бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолмоқдалар.

Келинг, ушбу келтирилган табиий офатнинг сабаб ва омилларининг баъзиларини санаб ўтамиз.

— уйдан ёки давлат ишидан чиқаётганда телевизор, радиоприёмник, тефаль (электр чойнак), микротўлқинли печь, компьютер, электр лампалар ва бошқа электр қурилмаларни электр манбаидан узмаган ҳолда қолдириш;

— носоз электр мосламаларидан фойдаланиш;

— кўрсатилмаган жойдан ташқари бўлган ҳудудларда, шу билан бир қаторда ўринда ётган ҳолда тамаки маҳсулотларини чекиш;

— назоратсиз очиқ алангадан фойдаланиш;

— тез алангаланувчи ёки портловчи модда ҳамда суюқликларни сақлаш;

— электр розеткага қўшимча электр улагич (вилка)ларни кучланиши бардош беролмаса ҳам улаш;

— болаларимизни ёшлигини била туриб уйда ёлғиз қолдириш;

— газ ёки электр манбаида носозлик сезилганида мутахассиссиз ўзбошимчалик билан бартараф этишга уриниш;

— йўлимизда ёнғинга сабаб бўлувчи ҳолатларни қилаётган шахсларни кўриб, уларга бефарқлик билан ўтиб кетиш.

Биз, инсонлар, "менда шундай кўнгилсизликлар рўй бермайди", деймиз-у, аммо ушбу кўнгилсизлик рўй берганидан сўнг "аттанг", деб қоламиз. Агар шу ва шунга ўхшаш нохушликлар давлат корхоналаридаги иш фаолиятимизда содир бўлсачи, буни кўз олдимизга келтириб кўрайлик-чи. Бундай ҳолатда нима вазифани бажаришимиз ёки нима қилишимизни билмай лол қоламиз.

Юқорида санаб ўтилган ёнғин сабаларини ҳамда келтирилган кўнгилсизликларнинг олдини олишимиз ўз қўлимиздалигини унутмаслигимиз ва атрофимиздагиларни шунга ундашимиз мақсадга мувофиқдир.

**Абдушукур ТЕЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ**
**12-ХЁХО 11-ХЁХ алоҳида**
**пости кичик инспектори,**
**катта сержант**

---

Жиноятга жазо муқаррар

# ТОВЛАМАЧИЛИК ОРТИДАН ТОПИЛГАН ДАРОМАД
## *жиноий жавобгарликка сабаб бўлди*



**МАЪЛУМКИ, бугун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани сир эмас. Аммо ҳали-ҳануз жойларда тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраб турибди. Ваҳоланки, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 34-моддасида давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмаслиги таъкидланган.**

Марғилонлик якка тартибдаги тадбиркор Исматов Илҳомжон Убайдуллаевич билан рўй берган воқеа ҳам юқоридаги фикрларимиз тасдиғидир. Гап шундаки, Илҳомжон 2015 йилнинг январь ойида шаҳар "Деҳқон бозори" акциядорлик жамиятига қарашли дўконлардан бирини ижарага олиб, темирчилик фаолияти билан шуғуллана бошлади. Лекин бир ой ўтмай, ноқонуний талабга дуч келди.

Бир куни унинг дўконига бозорнинг хўжалик ишлари бўйича мудири Баҳодир Парпибоев кириб келди:

— Ҳар ойда металлом (иккиламчи қора метал, демоқчи) топшириб турасиз. Шуни аввалдан айтиб қўяй, — деди у.

— Ўзингиз биласиз, ҳозир металлом топиш жуда қийин. Шунинг учун бу иш қўлимдан келмайди, — дея эътироз билдирди тадбиркор.

Чиндан ҳам унинг эътирози ўринли. Баҳодирнинг талаби эса бутунлай ғайриқонуний эди. Бироқ хўжалик ишлари мудири талабни қатъий қўйди.

— Бу вилоят бозорлар уюшмасининг топшириғи, мен ўзимча айтаётганим йўқ. Ҳамма қатори топширишингиз шарт.

И.Исматов тушундики, қаршилик кўрсатиш бефойда. Шу боис иккиламчи қора металнинг пулини бериб туришга рози бўлди. Натижада Б.Парпибоев ундан 2015 йилнинг февраль, март, апрель ва май ойлари учун 200.000 сўмдан жами 800.000 сўм пулни санаб олди. Аммо бу пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Шундан сўнг Илҳомжон июнь, июль, август ва сентябрь ойлари ҳисобига пул топшира олмади. Баҳодир Парпибоев эса ноқонуний талабини канда қилмади. 2015 йил октябрь ойининг бошларида у И.Исматовга қўнғироқ қилди.

— Шунча вақт имкон бердик. Агар эртага ҳам пул топширмасангиз, дўконингиз ёпилади, — деди жиддий оҳангда.

Бинобарин, темирчи тадбиркор яна чорасиз қолиб, эртаси куни хўжалик мудирига 100.000 сўм пул берди.

— Қолганини ҳам оз-оздан тўлайман, — дея қўшиб қўйди.

Лекин шундоғам ижара ҳақи тўлаб ишлаётган Илҳомжон Исматовга ҳар ойда 200.000 сўмдан тўлайвериш жуда алам қилди. Шунинг учун у Баҳодир Парпибоевнинг ноқонуний талабидан норози бўлиб, СВОЖЖДЛҚК департаментининг Фарғона шаҳар бўлимига мурожаат қилди. Оқибатда Б.Парпибоев ўз хизмат хонасида И.Исматовдан яна 100.000 сўм олаётган вақтда ушланди. Қолаверса, тезкор тадбир мобайнида хўжалик ишлари мудири аввал олган 900.000 сўм пулни ихтиёрий равишда тақдим қилди. Шу боис ана шу пуллар ҳам ашёвий далил тариқасида олиниб, унга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

— Ҳақиқатан ҳам вилоят бозорлар уюшмаси томонидан бозоримизга 4,5 тонна металлом топшириш режаси берилган. Аммо бу вазифани бозорда ўз маҳсулотини сотаётган фуқаролар ёки тадбиркорларга юклатиш мумкин эмас. Б.Парпибоевнинг ҳаракати ҳам нотўғри, — дея суд мажлисида кўрсатма берди Марғилон шаҳар "Деҳқон бозори" АЖ ҳисобчиси О.Маҳмудов.

Суд Б.Парпибоевни айбдор деб топиб, 1 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. Жазо тайинлашда унинг қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлиги, содир этилган жиноят натижасида оғир оқибатлар келиб чиқмаганлиги инобатга олинди. Энг муҳими, унга нисбатан яна бир бор имконият берилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорига мувофиқ асосий жазодан озод қилинди. Бироқ Баҳодир энди бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб оладими йўқми, буни вақт кўрсатади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш ва эслатиб ўтиш лозимки, товламачилик йўли билан талаб қилинган буровнинг ҳақи ҳеч қачон буюрмаган, буюрмайди ҳам. Айни ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак.

**Маъруфжон ТЕШАБОЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Фарғона**
**шаҳар судининг раиси**

---

Тадбир

## МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ТУШУНТИРИЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганига 24 йил тўлди. Асосий Қонунимиз ўтган қисқа давр мобайнида янги демократик ўзбек давлатчилигини шакллантириш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг қонуний замини бўлиб хизмат қилиб келмоқда.**

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан **"Мамлакат тараққиётининг мустаҳкам пойдевори"** мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ана шу қутлуғ сана муносабати билан ташкил этилди.

Унда Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси, Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Республика Миллий маънавият-маърифат маркази, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатлар корпуси вакиллари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи ўқитувчи ва ўқувчилари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда, мустақиллик йилларида миллий ҳуқуқ тизимини яратиш, қонунлар ва қонунчилик техникасини такомиллаштириш ҳамда юқори даражага кўтариш борасида бир қатор ишлар амалга оширилганлиги ҳақида сўз юритилди.

**Севара ЗОКИРОВА,**
**Тошкент шаҳар адлия**
**бошқармаси масъул ходими**

---


Эълонлар

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 9 декабрдаги 449-ум-сонли буйруғига асосан адвокат **Муҳаммадиев Тоир Аҳмаджонович** номига бошқарма томонидан 2009 йил 8 июнда берилган SA 000026-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 9 декабрдаги 450-ум-сонли буйруғига асосан Оқдарё туманидаги "EGAMBERDIEV ISOMIDDIN HIMOYACHI" адвокатлик бюросининг адвокати **Эгамбердиев Исомиддин Махамматқулович** номига Сирдарё вилоят адлия бошқармаси томонидан 2013 йил 6 декабрда берилган SI 000140-сонли ҳамда Пайариқ туман "YULDUZ" адвокатлик фирмасининг адвокати **Усманов Абдураҳим номига** Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнда берилган SA 000120-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилиши ва уларнинг адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Фарғона шаҳридаги "Ҳимоядасиз" адвокатлик ҳайъати адвокати бўлган Махпиралиева Дилдора Неъматовна (лицензия 03.06.2009 йил, FE № 000088, адвокатлик гувоҳномаси № 084, 25.06.2009 й) адвокатлик тузилмасидан чиққанлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни $13^{1}$-моддаси 1-қисмининг 6-бандига ҳамда Фарғона вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 7 декабрдаги 504-ум-сонли буйруғига асосан адвокат мақоми уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 13 декабрдаги 458-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "DJAVADOV X.A." адвокатлар ҳайъати ва адвокат **Умматов Жаҳонгир Қаҳрамонович** ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни $13^{1}$-моддасига асосан (адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача) унинг адвокатлик мақоми тўхтатилди.

***

Машарипова Шоҳида Жуманазаровна Тошкент шаҳридаги "YUVENAL VERITAS ADVOKATLARI" адвокатлар ҳайъатига ишга қабул қилинганлиги муносабати билан унинг адвокатлик мақоми Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 14 декабрдаги 301-ум-сонли буйруғига асосан тикланди.

Адвокат Азимов Джура Термиз шаҳридаги "Сурхон ҳақиқат маскани" 1-сон адвокатлар ҳайъатига адвокат вазифасига ишга қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни $13^{1}$-моддаси, "Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 19-банди ҳамда бошқарманинг 2016 йил 22 ноябрдаги 204-ум-сонли буйруғига асосан унинг адвокатлик мақоми тикланди. Ва унга 258-рақамли янги адвокатлик гувоҳномаси берилди.

***

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 5 декабрдаги 205-ум-сонли буйруғига асосан Махамедов Баходир Эсиргаповичга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 23 октябрда берилган TN 001602 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат мақоми тикланди.

***

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 30 ноябрдаги 45-А-сонли буйруғига асосан Фориш туманидаги "Озод-Муҳайё адолат сари" адвокатлик бюроси адвокати Бекпўлатова Бозоргулга 2010 йил 22 июлда берилган GZ № 000088-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 1 ой муддатга тўхтатилди.

*... ёши улуғ инсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буён ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.*



*Шу мақсадда пенсионерлар, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат кўмагини кучайтириш бўйича айни пайтда кенг қамровли чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва улар сўзсиз амалга оширилади.*

*"Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларининг ходимлар штатларини кўпайтириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жамиятимиз ҳаётида уларнинг ўрни ва мавқеини янада ошириш бўйича қўшимча зарур чоралар кўрилади.*

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Муносабат

# ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

Маълумки, Ўзбекистонда Ҳукумат Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлиснинг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органи сифатида фаолият олиб боради. Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, қабул қилинаётган қонунларнинг ижро этилиши билан боғлиқ барча масалалар, турли муаммолар билан биринчи ўринда ҳукумат ва унинг жойлардаги вакиллари тўқнаш келади. Бу эса, ўз навбатида, ижро этувчи органлар томонидан қонунчиликдаги бўшлиқлар, уни амалга ошириш механизмидаги камчиликлар хусусида аниқ хулосалар чиқаришга имкон беради. Маърузада таъкидлаб ўтилган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлар ўртасидаги узвий ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши эса, шубҳасиз, қонунларни янада мукаммал шаклда қабул қилиш, уларни ижрога тўғридан-тўғри татбиқ қилиш механизмлари билан тўлдириш имконини яратади.



Қайд этиб ўтиш лозимки, маърузада халқнинг давлат идораларига эмас, аксинча, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши ҳақидаги таъкид, халқимизнинг айни дилидаги гап бўлди.

Маърузанинг ҳар бир масаласи хусусида фикр юритар эканмиз, бугунги кунимиз ва келажак ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига теран нигоҳ билан боқувчи халқимиз асрлар давомида сақлаб келаётган қадриятларимиздан бирига эътибор қаратсак. Халқимизга хос фазилатлардан бири, аждодлар руҳига муносиб эҳтиром кўрсатиш, авлодлар таълим-тарбиясига муқаддас бурч сифатида ёндашишдир. Ўтмишнинг буюк ўгити бўлган мана шу икки фазилатнинг узвий давом эттириб келинаётганлиги халқимизнинг бугунги фаровон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Давлатимиз янги раҳбари Шавкат Мирзиёев мазкур ҳар икки масалага ҳам биринчилардан бўлиб эътибор қаратди. Давлатимизнинг яқин ўтмишдаги раҳбари Шароф Рашидов, давлатчилигимиз тарихида, халқимиз озодлиги ва фаровонлиги йўлида бемисл хизмат кўрсатган Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар фикримизни яққол тасдиқлаб турибди.

Шу билан бирга таълим-тарбия борасида маърузада шундай вазифалар белгиландики, уларнинг амалга оширилиши, шубҳасиз, аждодларга муносиб авлодлар шаклланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айниқса, маърузада Абдурауф Фитратнинг ёш авлод тарбияси, хусусан, ота-онадан болаликда олинган тарбиянинг аҳамияти борасидаги фикрларига тўхталиб ўтилганлиги алоҳида эътиборга молик. Бундай устувор вазифаларнинг долзарблиги, бугунги глобаллашув даврда икки хисса ортади, албатта. Маърузада ёшлар масаласида узоқни кўриб илгари сурилаётган мазкур ғоялар, ёшлар йўналишида ташкил қилиниши режалаштирилаётган янги лавозимлар, шубҳасиз, эртанги кунимизнинг саодатини англатади.

Келаётган 2017 йилни "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили", деб эълон қилинганлиги давлатчилигимиз тарихининг яна бир янги саҳифаси бўлди. Инсон манфаатлари олий мақомга кўтарилиши, уларнинг тўла-тўкис таъминланиши назарда тутилаётган ислоҳотлар, шубҳасиз, халқ билан мулоқот орқалигина таъминланиши мумкин. Халқимиз дардини, улар ечимини топа олмаётган масалаларни билмасдан туриб, бирор-бир ислоҳотни амалга ошириш ўринсиз, албатта. Бу ўринда барча ҳудудларда ташкил қилинадиган "Халқ қабулхоналари" айни муддаодир.

**Аҳмад ИСМАИЛОВ,**
**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори ўринбосари**

# ҲЕЧ КИМ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛИГА РАХНА СОЛМАСИН

**МАЪЛУМКИ, ўсиб келаётган ёшлар таълим-тарбияси, уларни ҳар томонлама баркамол, юксак салоҳиятли, ўз оиласи, халқи ва элу юртнинг корига ярайдиган етук инсон қилиб тарбиялаш ҳамиша давлатимизнинг устувор сиёсий йўналишларидан бири саналади. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу масалага алоҳида урғу берди. "...Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-куй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашамиз лозим" дея, жамиятимизнинг барча аъзоларини ўғил-қизларимизнинг тақдиридан огоҳ бўлишни яна оширишга чақирди. Ушбу сўз замиридаги фарзандларимиз тақдирига кўрсатилаётган улкан эътибор, уларнинг комил инсон бўлиб етишишлари йўлидаги ғамхўрлик Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар бир инсонни бефарқ қолдирмади. Ҳар биримизда давлат ва жамият тақдирига дахлдорлик ҳиссини янада оширди.**



Дарҳақиқат бугун ёшларимиз камолотига жиддий хавф солаётган глобал муаммолар талайгина. Диний экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби турли иллатлар болаларимизни бағримиздан юлиб олиб, уларнинг қўли билан нафақат бизнинг, бутун инсониятнинг бошига чексиз кулфат келтириши мумкин. Айниқса, глобал муаммолардан ҳисобланмиш мафкуравий хуружлар, "оммавий маданият" мустақил ҳаёт остонасида турган ёш авлод руҳиятига, маънавиятига салбий таъсир ўтказиши билан ғоятда хатарлидир.

XX асрда фан ва техника тараққиётнинг юксак чўққисига кўтарилди. Матбуот, радио, телевидение, компьютер кундалик турмушимизнинг ажралмас қисмига айланди. Аксарият ёшларнинг асосий "эрмаги" — компьютер ва уяли алоқа воситалари эканлиги бор гап. Бироқ оммавий коммуникация илму фан ўрганиш, билим олиш, керакли ахборотга эга бўлишда қанчалик қўл келса, ёвуз кучлар манфаати йўлида инсонни жаҳолат қаҳрига етаклашда қудратли восита ҳамдир. Ўз-ўзидан равшанки, дунёга ҳукмрон бўлишни истаётган бузғунчи кучлар асосан ҳаётий тажрибаси кам, тарбияси бўш ва назоратдан четда қолган ёшларни турли йўллар билан ўзига тортади.

Ёвуз кимсаларнинг қўлидаги ўйинчоққа, яъни, қуролга айланганлар, тўғри йўлдан тойганлар ота-она, яқин кишилар, қариндошларнинг қадр-қиммати, оила ва ватаннинг муқаддаслигини англамайди. Уларнинг тўрига тушган ноқобил ёшлар кези келганда, ҳатто ўз оиласига, ота-онасига қарши қурол кўтариши шубҳасиз. Зеро, пана-пастқам жойларда пусиб, турли усул ва ниқоблар остига яширинган нопок кимсаларнинг асл мақсад ва истаги ҳам айнан шунда.

Айтиш жоизки, фарзанд тарбияси, энг аввало, оиладан бошланади. Оилада инсон дунёга келиб, ўсиб-улғайиши баробарида, маънавий-ахлоқий қиёфаси ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар ҳам оила муҳитида шаклланади.

Ватанга муҳаббат, элу юртга садоқат оила ва ота-онага меҳр-муҳаббатдан бошланади. Бола ўз уйидан эътибор ва меҳр топмаса, бошқа "меҳрибон"ларнинг назоратига, таъсирига тушиб қолиши натижада завол топиши мумкин. Униб-ўсиб келаётган фарзандлар оила эътиборида бўлмоғи, боланинг қизиқишлари, кундалик вақтини нималарга сарфлаётганини ота-она назаридан четда қолдирмаслик керак. Ҳар бир ота-она, давлат ва жамоат ташкилотларининг маъсул ходимлари унутмаслиги лозимки комил инсон таълим-тарбиясида озгина лоқайдлик ҳам тузатиб бўлмас фожеаларга олиб келиши мумкин.

Шу боис, фарзандларимиз таълим-тарбияси ва тақдиридан огоҳ бўлиш нафақат бурч ва масъулият, айтиш мумкинки, ҳаёт-мамот тақазосидир.

**Лола САМАРХЎЖАЕВА,**
**Зангиота туман давлат нотариал идораси нотариуси**

Дилдаги гаплар

# *Уч момо ҳикояти*

**МАМЛАКАТИМИЗ вилоятларида хизмат сафарида бўлганимда пиру бадавлат онахонлар билан суҳбатлашиш, таъсирчан сўзларини ён дафтаримга қайд қилиб қўйиш одатим. Бугун улардан учтасини "Инсон ва қонун" ўқувчилари учун деярли ўзгаришсиз келтирмоқдаман.**

"Ай болам-ай, элликлардан ошгандирсан-ов, ие, шундайми, унда мен... сизга нимани гапириб берсам экан-а? Нима иш қилгансиз дейсизми? Э, биз қилмаган иш қолмаган. Урушнинг оғир юки бошимизга, доғи мана бу жафокаш кўксимизга тушган. Ҳасан-Ҳусан, Саид, Бекжўра акаларим, Усмон тоғам фронтга кетди. Биргина Ҳусан қайтиб келди. Почтачи "қора хат" ташлаб кетган эди, икки дунём қоронғи бўлиб турганида "пуфф" деса йиқиладиган бўлса ҳам, жони омон экан, ўзи келиб қолди. Чор тарафдан аёллар келишади: "Ўғлимни кўрмадингизми, узун бўйли ориққина йигит, эрим фалон фронтда эди, икки йилдан бери дараги йўқ, мабодо учрашиб қолмадинглармИ, акамни танисангиз керак, ҳаммаларинг бирга жўнаган эдинглар?..." Бечора акам бир нималар демоқчи бўлади, аммо тили айланмайди. Ҳали-ҳали бошқа акаларимни кутаман. Ҳаёлимда улар тирикдай. Ўлмаган бўлса, одам деган бир куни элига қайтади-да, ўғлим, шундай эмасми?!

Ўтган йили Зоминда дам олдим. Тоғларга тикилиб ўтириб, ҳаёл қиламан: акаларим омон бўлишса, бола-чақалари билан вертолётда келиб қолишса, қаерга қўнишар экана, қўнадиган жой бормикин-а, дея уёқ-буёққа қарайман. Армоним-да, болам. Уруш йиллари тўқиган ашулам ёдимга тушади:

*Ака, кетганингга етти йил бўлди,*
*Сенсиз қолиб кўрган куним шул бўлди,*
*Кўз ёшимдан рўмолларим ҳўл бўлди,*
*Акажоним, оҳу нолам мўл бўлди...*

Эркаклар фронтга кетган. Ҳамма иш аёлларга қолган. Касалмисан, соғмисан, қўлингда боланг борми, бунга ҳеч ким қарамайди. Далага чиқиш керак. У йилларнинг тракторлари сувни роса кўп ичарди-да, кун бўйи сув ташиймиз. Тракторнинг орқасига уланган моланинг устига қатор бўлиб чиқиб оламиз. "Мола"ни биласиз-а, чангга ботиб ер текислаймиз. Эҳтиёт бўлмасанг, моланинг тагида қолиб кетасан. Пахта очилиши билан теримга тушамиз. Терганимиз майли, тезпишар чигит қидирамиз, 5 кило топмасанг уйга жавоб беришмайди. Чор-атрофда чиябўри, қашқирлар изғиб юради. Улар ҳам оч, ёлғиз юриб бўлмайди. Очлик ёмон нарса, ўғлим. Отаси ўлганнинг уйқуси келади, қорни очнинг кўзи юмилмайди, деган гап бор. Очлик иймондан айиради.

Кечқурун бир аҳволда уйга қайтамиз, бугунгиларга ўхшаб, ясан-тусан қилиш, дам олиш, телевизор кўриш қаёқда? Маккани туйиб талқон қиламиз. Кир ювамиз, мол-ҳолга қараймиз. Қозонга бир нима солиб қайнатамиз. Элнинг ризқи элдан бурун фронтга жўнатилади. Қолса еймиз, қолмаса сабр қиламиз. Бу гапларни ҳозирги келинларга айтсанг, афтини буриштиради. Ҳой, сабрли бўлинглар, уйни озода тутинглар, нонни исроф қилманглар, эркакнинг ҳурматини жойига қўйинглар, уруш деб қанчаси жувонмарг бўлди. Илоҳим, уруш кўрманглар, эрларинг ёнларингда тоғдай бўлиб турсин, тўй-тумоққа қўлтиқлашиб боринглар, деб дуо қиламан, бирови тушунади, бирови бир нималар деб минғирлайди. Майли, ҳаммалари омон бўлишсин, аммо ўтган кунларни эслаб туриш ҳам керак-да, мухбир ўғлим.

Энди, ўзингиз гап бошлаб қолдингиз, яхшилаб эшитинг: ёшини яшаб бўлай деган бир кексанинг гаплари-да, хатосини ўчириб ташлайсиз. Шу десангиз, бугунги тўқчилик, эянчилик, қўлингни қаёққа узатсанг етадиган замон тушимизга ҳам кирмаган. Ҳаммаёқда қурилиш, томига қарасанг кўзинг қамашадиган бинолар. Шаҳардагидан қолишмайдиган уйларни айтайми? Йўлларни айтайми? Магазинга кирсанг, бозорга борсанг, қорнингдан олдин кўзинг тўяди: ҳамма нарса бор. Танлаб-танлаб олаверасан. Ҳар куни бир хурсандчилик, тўй-томоша. Болаларнинг мактабларини айтинг, кийим-кечакларини айтинг. Одамларнинг юзи қизил, қозони қайнаб турганидан кейин қизил бўлади-да. Илгари "Ема-ичма, бўл бахил, бой бўлмасанг мен кафил", деган мақол бўларди. Энди-чи? Пешонасини терлатиб, ерга астойдил энгашиб ишлаган, ҳаракат қилган борки, ҳаммаси тўқ, эгни бут, бадавлат. Иштончасини кийишга ўрганмаган боланинг қўлида телефон. Тинчлик, хотиржамлик. Одамга яна нима керак ўзи?

Эҳ, қанча одам ўз уйига, ўз элига, дала-боғига хўжайин бўлмай, бу ёруғ кунларни кўрмай ўтиб кетишди. Мана энди ҳаммаси бошқача бўлди. Ўзимизда чиққан автоуловларни қаранг, тадбиркорлар қилаётган ишларни кўринг.

Энди ўғлим, гапираверсам, сизни чарчатиб қўяман. Баъзида жиним суймайдиган ишларни кўриб, тилим аччиқ бўлиб кетади. Сизга ҳам айтай: шундай ёруғ кунларнинг қадрига етмаётганлар, ношукрлик қилаётганлар ҳам бор. Уларга айтадиган гапим: ўз уйининг тинчлигини қадрламаган одам бошқа жойда ҳаловат топмайди. Жаннатмисол шу юртимиздан қолмайлик, аҳил-иноқ, меҳр-оқибатли бўлайлик. Ёшлар орасида оилага беписанд қараётганлар ҳам учраб туради. Тўғрисини айтай: баъзи келинчаклар битта-иккита фарзанд кўргач, бир нималарни баҳона қилиб, ажрашишади-да, оналарининг уйида эрлари жўнатаётган алимент пулини олиб еб ётишади. Бунақаларни кўриб жаҳлинг чиқиб кетади. Шундоқ замонда болаларни тирик етим қилиш яхши эмас. Ҳар кимнинг боласи ўзининг уйида, ота-онаси, бобо-момоси бағрида улғайса қандоқ яхши. Майли, ният қилаверайлик, Худо хоҳласа, ҳаётимиз бугунгидан ҳам яхши бўлиб кетади **(Жиззах вилояти, Зарбдор туманидаги "Шарқ юлдузи" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи 88 ёшли Суйима момо ҳикояси).**

***

"Меҳмон болам, мени йўқлаб келибсиз-да, отангизга раҳмат, онангизга қуллуқ. Худога шукр, уйимдан одам аримайди, қиз-келинларим, набиралар, эвара-чеваралар, камолчилар (ёш "Камолот"чилар демоқчи) кунда-кунора келиб хабар олиб туришади, бирор нарсага зориққан жойимиз йўқ. 8 нафар фарзанд кўрдим, 27 нафар набирам, 60 нафар чеварам, 18 нафар эварам бор. Жуда бой хотинман, ҳа. (Олтмишдан ошган қизларига қараб) — Ҳой, Кароmat, тур, қозонни ос, Тошкандай жойдан мени кўргани меҳмонлар келибди-я. Меҳмон келган уйга фаришталар ризқ олиб келишади, деган гап бор, тез бўлинглар.

Ҳай, гапни нимадан бошлай. Мендан кўпинча кўп яшашнинг сирини сўрашади, қанақа сир, сир-пири йўқ, яхши ишлаб, ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратадиганлар кўп яшашади, дейман уларга. Рости ҳам шу. Мен сизга айтсам, одам, аввало, ниятини яхшилаши керак. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади. Ҳар ким нима экса, шуни ўради. Худодан ўзига, бошқаларга ризқ, умр сўраса, Яратган эгам сўраганидан ҳам кўпроқ беради, ибодатли одамнинг қўлини қуруқ қўймайди. Бировга ҳасад қилмаса, ғийбат кўчасига кирмаса, борига-ю йўғига шукр қилса, сабр-қаноатли бўлса, тани-жони, тўрт мучаси соғ бўлади. Яхши одамнинг йўлидан Хизр бобом чиқади. Ёмонларга ёмонлар учрайди. Ҳой (қизларига), меҳмонлар шошилишяпти, овқатни тезлатинглар. Яна булар "Бермаснинг оши пишмас", деб кетишмасин. Болам, бир кепсиз-да, бироз гурунглашиб ўтирайлик, бир ошам ош емай кетмайсизлар. Айтадиган гапларим кўп ҳали...

Ҳа, нима деяётгандим... Сафед Булонда туғилган экансиз-да, азиз жойларнинг фарзанди экансиз, қуллуқ. Сизга айтсам, мен асли Наманганда туғилганман, шаҳарда катта бўлганман, қишлоққа келин бўлиб тушганман. У пайтдаги қишлоқлардан биргина "қишлоқ", деган сўз қолди, холос. Э, не кунларни кўрмади бу бошлар. Ҳаммасига чидадик, ношукрлик қилмадик. Бир бурда нон учун ўзини ўт-чўққа урганлар бўлди. Меҳнатдан қочиб, ризқини ўзи қийганлар бўлди. Ҳасадгўйлар ўз оёқларига ўзлари тушов солишди. Уруш йиллари одамларнинг имони синовдан ўтди дейман-да.

У йилларнинг даҳшатлари ҳали-ҳануз тушларимга киради. Ислом Каримов ҳақиқий эр йигитнинг ишини қилди: юртни янгилади, келинчакдай ясантирди, бўй-бастини тиклади, одамларнинг қўни-қўнжи-ю, кўзини тўйдириб, омборини тўлдириб, белини бақувват, имонини мустаҳкам қилиб кетди, раҳматли. Мана бу дастурхонга қаранг, мана бу қиз-йигитларнинг юз-кўзларига қаранг, болам. Йигирма беш йилда шунча иш бўлади деб ким ўйлабди?

Ўқувчи қизлар келиб, "Эна, ёшлигингиздан гапириб беринг, тўйингиз қанақа ўтган?" деб сўрашади. Эҳ, нимасини гапирай, бир лаган ош билан тўй бўлганини айтайми, эгнимиз дурустроқ кийим кўрмаганини, умримиз далада, жазирамада ўтганини айтайми, барибир ишонмайсизлар, дейман. Илоҳо, у кунлар сира-сира қайтиб келмасин, тинчлигимиз, аҳил-иноқлигимизга кўз тегмасин, дейман. Аҳил-иноқлик бор жойга барака киради.

Қани, дастурхонга қаранглар, тортинманглар, ўз уйингиздагидек ўтиринглар. Авваллари деҳқоннинг бой бўлганини, машина сотиб олганини, уйининг деворини ғишт билан кўтариб, томини тунука билан ёпганини биров кўрганми?

Турасизларми, ҳай, майли, омин, йўлларингиз бехатар, юртимиз тинч бўлсин, биздек кексаларни сийлаганларни Оллоҳимнинг ўзи сийласин. Бошқа бир келасизлар, ўзим меҳмон қиламан" **(Наманган вилояти, Поп тумани, Уйғур қишлоғида яшовчи 103 ёшли Хайринисо ая Йўлдошева ҳикояси).**

***

"Йигирма олти йил ўқитувчилик қилдим. Навоий бобомиз айтганларидек, заҳмат чекиб, сабр-тоқат билан болаларга ҳарф ўргатдим, саводини чиқардим. Мана энди, момо бўлиб, ёшларимизни дуо қилиб ўтирибман. Кимлардир ўқитувчиликни осон касб деб ўйлашади. Ҳеч ҳам бундай эмас. Роҳати ҳам бор, аммо кўп машаққатига чидаш керак. Ҳар битта болани худди ўзинг туққандай азиз кўрмасанг, бошини силамасанг, сенга меҳр қўймайди. Бир оиланинг боласи мактабга китоб ўқишни ўрганиб, бошқаси унча-мунча ҳарф таниб келади. Баъзи ота-оналар фарзандларини мактабга деярли тайёрлашмайди. Уч хил ҳолат. Ўқитувчи уларни бир синфда ўқитиши, ҳаммасига бир хил муносабатда бўлиши керак. Биттасининг зеҳни ўткир, бир гапни айтсангиз, тез илғаб олади, бошқасига қайта-қайта такрорлаш керак. Бундай ҳолатда ўқитувчи ғоят сабрли бўлиши, ҳар бир боланинг қобилиятига қараб иш тутиши, улгурмовчиларни, тили бийронмасларни изза қилмаслиги зарур. Педагог жаҳл устида: "Сен боладан одам чиқмайди", деса, бу гапни ҳадеб такрорлайверса, боланинг шашти сўнади, уқувсиз бўлиб қолади. Бўладиган бола бошдан тайин дейишади, аммо маҳоратли ўқитувчи ҳар қандай болани ҳам бўлдириб юборади.

Мактабда кўп йиллар ишлаб, қизиқ бир ҳолатга гувоҳ бўлдим. Баъзи болалар аъло баҳоларга ўқишади, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам кейинчалик ҳаётда ўз йўлларини топа олмайдилар. Баъзилари камгап, камсуқум бўлади, дарсда ўзича ҳаёл суриб ўтиради, йиллар ўтиб эса ўзларини шундай намоён қилишадики, айтган гапларингдан уялиб кетасан.

Бугун ўқувчи-ю ўқитувчи учун шундай имкониятлар яратилдики, қани энди, мўъжиза юз бериб, болалигингга қайтиб қолсанг-у, мазза қилиб ўқисанг. Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий жиҳозлар, спорт заллари, мусиқа мактаблари. Хоразмлик ўқувчилар халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқлардан хабарингиз бўлса керак, худди ўз фарзандинг шоҳсупага кўтарилгандай кўксинг тўлиб кетади.

Мана бу шинам уйларни кўринг. Бир кун келиб, шундай уйларда роҳат қилиб яшайман деб сира ўйлаган эмасман. Қаранг, шаҳардаги уйлардан асло қолишмайди. Гиламлар, пардалар, уй жиҳозлари — ҳаммаси ўзимизда тайёрланган. Маҳалламизнинг номи "Ойдин ҳаёт". Вақтингиз бўлса, бир-бир кириб кўринг, одамлар истиқлолга шукроналар айтиб, иззат-икромда, фарзандларининг роҳатидан қувониб яшаётганларини кўринг. Ислом Каримов эл-юртга хизмат қилиш, Ватанни севиш, керак бўлса, жонни фидо қилиш қандай бўлишини ҳаммамизга ўргатиб, намуна кўрсатиб кетдилар. Ўқитувчи сифатида айтаманки, у кишининг ҳаёти келажак авлодлар учун энг муҳим, мўътабар дарслик бўлиб қолди. Бу дарсликни ўқиган фарзанд асло кам бўлмайди.

Мен сизга айтсам, одамлар авваллари ҳам ишлаган, эрта-ю кеч даладан келмаган, ер ҳайдаган, сув суғорган, ғўза парваришини бола парваришидан муҳим деб билган, аммо меҳнатига яраша ҳақ олмаган, сидқидилдан раҳмат эшитмаган. Истиқлол меҳнаткашнинг манглайини силади, деҳқон ерли бўлди, ҳаётимиз фаровонлашди. Фарзандларимиз билим олиш билан бирга, касб-ҳунар эгаллашмоқда, дунё кезишмоқда. Бобоси, ота-онаси кўрмаган жойларни ўғил-қизлар, набиралар кўришмоқда. Ёшлар учун шундай қулайликлар яратилдики, бундай ғамхўрлик дунёнинг яна қайси мамлакатида бор экан, деб ўйлаб қоламан. Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин. Мақола ёзсангиз, менинг шу фикрларимни бир четига қўшиб қўйинг **(Хоразм вилояти, Хонқа туманидаги Олажа қишлоғида яшовчи 80 ёшли Бекажон Раҳимова ҳикояси).**

**Суҳбатдош: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

Ҳурматли юртдошлар!

## “Асака” банк жамоаси



*Сизларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади!*
*Янги йил юртимизга тинчлик, осойишталик ва фаровонлик, ҳар бир оилага файз ва қут-барака олиб келсин!*
*Янги йил барчамизга қутлуғ ва хосиятли келсин!*
*Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин!*
*Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:*

## “ЯНГИ ЙИЛ — 2017”

**Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 3 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.**
**Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 30 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.**
**Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.**
**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

***“Асака” банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!***

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Реклама

«O'ZVINOSANOAT-XOLDING»
XOLDING KOMPANIYASI

## “ЎЗВИНОСАНОАТ - ХОЛДИНГ” ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

***Ўзбекистон халқини ҳамда ўз касбдошларини кириб келаётган Янги — 2017 йил, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” билан самимий муборакбод этади.***
***Янги йил барчангизга улкан ютуқлар, оилаларингизга қувончу шодлик, бахту саодат, жонажон юртимизга тинчлик ва равнақ келтирсин. Ҳаётингиз қувончли ва бахтли лаҳзаларга бой бўлсин!***
***Янги йилингиз қутлуғ бўлсин азизлар!***



ЛУКОЙЛ НЕФТЯНАЯ КОМПАНИЯ

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
**ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани**



*С новым годом!*

От всей души поздравляем граждан Республики Узбекистан с наступающим 2017 годом!

Желаем всем осуществления добрых надежд, благополучия и изобилия в ваших домах.

Пусть наступающий 2017 год принесет добро, счастье и удачу в каждую семью!
Здоровья и успехов всем в Новом году!



**ИНСОН ва ҚОНУН**
**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**
www.minjust.uz
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Жўраев Нодир Савриддинович, Усманов Анвар Акрамович, Очилов Алижон Мухлисович, Мамадалиев Зайниддин Очилович, Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер Жамшид ҒОФУРОВ

Нашр индекси: 137
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 18189.
Буюртма S-7780.
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100192, Тошкент ш. Буюк Ипак йўли кўчаси-1.
Тел: 268-26-61,
Факс: 268-19-51
Обуна бўлими: 268-19-97
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5